



Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси 1996 йил, 13 декабр 49 (78)- сон

ИСТИБДОДНИНГ ТУГАШИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4 йиллигига бағишланган тантанавда сўзга чиққан Президент мустақил мамлакатимизнинг сўнгги йилларида эришган ютуқлари ҳақида гапириб, халқимиз онгида, тафаккурда бўлаётган ўзгаришларга тўхталиб, жумладан, собиқ мустақил тузумдан қолган эскилик сарқитларидан тезроқ озод бўлиш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Ҳўш, Президентимиз нега ушбу масалани яна тилга олди? Нега шўролардан мерос бўлиб қолган айрим эскилик сарқитларидан буткул кўтулиб «етолмаямиз»? Мустақил тузумдан қолган кўрқувдан қачон батамом фориг бўламиз? Қачон?!

Ушбу ва шунга ўхшаш саволларга жавоб топиш мақсадида кўни-кеча «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Қабоҳат салтанати» (нашрга тайёрловчи Аббосхон Усмонов) номи тўпلامини арақлаймиз. Китобнинг номидан кўриб турибдики, унда собиқ шўро тузумининг халқимиз бошига солган оғир мусибатлари, кечиз жабру жафолари, унутиб бўлмас азоб-ўқубатлари тўғрисида аниқ ва ишончли ҳужжатлар асосида ҳикоя қилинади.

Китобнинг ҳар бир саҳифаси чўқур изтироб билан ўқилади, мақолаларда келтирилган дахшати рақамлар киши қалбига титроқ солади, оғир-оғир ўйларга толдиради.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Уткир Хошимов «Одамқушлик тузуми» мақоласида мустақил

тузумнинг узок йиллар давомида ўзбек халқи устидан ўтказган турли қатагон усулларини алам ва изтироб билан каламга олади. 30-йиллар, 37-йиллар қатағони, 50-йиллар қатағони ва 80-йиллар қатағонини аниқ мисоллар билан, бутун дахшатлари билан таққослайди. Айниқса,

калтаклаш, рецидивистларга буюриб кўрлаш...» Кўриб турибдики, Ўзбекистон, ўзбек халқи мустақиллик учун қатагон полигони вазифасини бажарган. Ҳар қандай жазо усулларини шафқатсизларча, имонсизларча қўллаганлар.

Публицист Қарим Бахриев «Сўнги кирғин» мақоласида юқоридаги мавзунинг бошқа дахшатли қирраларини очишга уринади. Барча даврларда ўтказилган ашаддий қирғиннинг сабабларини ажал теғирмонининг бошида турган қатағонни кимлар, нима мақсадларда амалга оширилганини жонли мисолларда кўрсатиб ўтади. «Овросиб», «Интеграция-2000»-никоби остида яна ўтмишни кўрсатганлар ҳақида муаллиф шундай дейди:

«Ҳоянинг қули бўладиган замонлар ўтди. Биз илдеократик тузумдан воз кечдик ва демократик жамият сари ҳаракат қилмоқдамиз. Шундай пайтда, ўзбек халқининг меҳнати ва раҳбариятининг жасорати тўғрисида муносиб тарзда барча мамлакатлар билан тенг ва ўзaro фойдали муносабатлар ўрнатаётган замонда юрта ўй кўйиш учун кечаги куннинг совуған ўчоғидан кул титқилаб, чўғ ахтарётганлар ҳам кулгили, ҳам ачинарли аҳволдлар...»

Таникли ёзувчи ва публицист Хуршид Дўстмуҳаммад «Бурилиш нуктаси» ҳамда «Ҳожиалар сабоғи» мақолаларида кўпроқ

сўнги қатагондан сўнг халқ шашини тиклашда ҳақиқий жонбозлик кўрсатган юртбошининг тарихий хизматларини эътироф этади: «Пахта иши» деб сохта ном олган дахшатли террорни фош қилиш борасидаги бурилиш нуктаси Ислам Каримовнинг номи ва республикага раҳбарлик қила бошлаган илк даври билан боғлиқ бўлиб тарихга кирди». Шунингдек, муаллиф сўнги 100 йилдан кўпроқ вақт ичида ўзбекларни мустақил тузум кўрқув қобиғида тутиб турганини аниқ мисолларда чўқур таҳлил қилади. Ҳар бир қатагоннинг сабабчилари ва хомийлари қилмишларини рўй-рост очиб ташлайди. Муаллиф қуйидаги катъий хулосага келади:

«Истиклолга ишонч тўғриси билан покланмоқда шўур. Ишонч шўролар зўравонлиги ва алдовлар йўли билан сингдирилган кўрқувни энгис хисобига қад ростламоқда. Беш ёшли ишонч 74, бориники, 130 йиллик сўний эътиқодни қиларини этмоқда... Беш йилдики, Ватанимиз дарғаси бутун қуч-қуввати, маҳорати, қуюнчадлиги, ғайрат-шижоатини одамлар кўнгили ва идрокда ишонч ва гуруру тўғрисида шакллантиришга сафарбар этмоқда».

Таникли олим ва адиб Иброҳим Фафуровнинг «Янгилаётган фикр» мақоласи мустақил мамлакатимизда кечаётган иқтисодий, ижтимоий, маънавий жараён таҳлиliga

қаратилган. Муаллиф Президентимизнинг мустақилликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонни жаҳоннинг илгор мамлакатлари сафига олиб чиқиш учун қилаётган жонбозлигини, фидойилигини афроғича таҳлил қилади ва шундай хулосага келади: «Президент равшанлик истади». Бу равшанлик замирида қайта туғилаётган халқ, қайта туғилаётган мамлакат тақдири ётади. Муаллиф айтганидек, «ўз қучқудрати, халқнинг битмас-туганмас салоҳияти, ички имкониятларига тўла ишонган мамлакатгина ўз ишончли мустақил йўлидан боради. Бунда ҳар бир давлатнинг ўз миллий манфаатлари устун рол ўйнайди... Озод Ўзбекистон ўз миллий манфаатларига зид йўлни қатъиян рад этади».

Китоб бежиз «Қабоҳат салтанати» деб номланмаган. Ана шу атаманинг ўзи ҳам собиқ шўролар тузумининг асл кнефасини кўрсатиб турибди. Китобдан ўрин олган ҳар бир мақола бизни мустақил Ватанимизни, уни танитиб билан севишни, уни ҳар қандай ёвуз қуллардан асрашга ва мустақил тузумнинг асоратларидан, сарқитларидан тезроқ қутулишга, покланишга даъват этади.



«Ўзбеклар иши», «Пахта иши» халқимиз бошига қандай қора кунларни солганини муаллиф шундай изоҳлайди: «80-йилларнинг одамқўрлари барча ваҳшийликларни ошқорча қилдилар! 80-йилларнинг «гдьянчилари» ўз ўтмишдошлари «бериячилар», «апресянчилар»дан кўра «билимдонроқ» эдилар, «ақлироқ» эдилар, аниқроқ — ваҳшийроқ эдилар!... Кўрқитиш, алдаш, ҳақорат қилиш, камситиш, саратон офтобига қўйиб, бир неча кун сувсиз қолдириш, «баранчилар» қўли билан

Ким аслида ким? Партиямиз етакчилари

АСКАР ОРТИҚОВ — МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ РАИСИ, ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР

Аскар Ортиқов 1944 йили Паркент қишлоғида туғилган. Урта мактабни битиргач, қисқа муддат Тошкент авиасозлик ишлаб чиқариш бирлашмасида чилангар бўлиб ишлаган. 1962-67 йилларда Тошкент политехника институтида ўқиган ва аспирантурада қолдирилган. Муддатдан олдин номзодлик диссертациясини химия қилиб, кафедра катта ўқитувчиси вазифасига тайинланган. 1974 йили дотсентликка сайланган. 1979 йилдан эътиборан янги ташкил қилинган Бухоро технология институтида кафедра мудири, факультет декани бўлиб ишлаган. Шу докторлик даражасига эришган. 200 дан ортиқ илмий асар, жумладан, 14 китоб, 40 дан ортиқ ихтиро яратган. Ўзбекистон ёшлар ташкилотининг совриндори бўлган.

А. Ортиқовнинг илмий излаишлари илм-фаннинг уч қиррасини ривожлантиришга ердан бермоқда методологик

КИМ АСЛИДА КИМ? Партиямиз етакчилари

АСКАР ОРТИҚОВ — МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ РАИСИ, ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР



Аскар Ортиқов 1944 йили Паркент қишлоғида туғилган. Урта мактабни битиргач, қисқа муддат Тошкент авиасозлик ишлаб чиқариш бирлашмасида чилангар бўлиб ишлаган. 1962-67 йилларда Тошкент политехника институтида ўқиган ва аспирантурада қолдирилган. Муддатдан олдин номзодлик диссертациясини химия қилиб, кафедра катта ўқитувчиси вазифасига тайинланган. 1974 йили дотсентликка сайланган. 1979 йилдан эътиборан янги ташкил қилинган Бухоро технология институтида кафедра мудири, факультет декани бўлиб ишлаган. Шу докторлик даражасига эришган. 200 дан ортиқ илмий асар, жумладан, 14 китоб, 40 дан ортиқ ихтиро яратган. Ўзбекистон ёшлар ташкилотининг совриндори бўлган.

А. Ортиқовнинг илмий излаишлари илм-фаннинг уч қиррасини ривожлантиришга ердан бермоқда методологик

томондан жараёнларни янгича, кўп поғонали анализ қилиш услуби яратилиб, ривожлантирилмоқда. Назарий томондан янги «Биоиссиқлик модаллашмаси» деб номланган илмий йўналиш тақлиф қилинган. Амалий жиҳатдан эса, ҳозирги кунда чўчитилган пахта мойи ишлаб чиқариш муаммосини ҳал этмоқда. Натихада ёғ-мой саноати учун мўлжалланган унумдорлиги беш марта юқори дистилляторлар, чўчитилган пахта мойи чиқарувчи арзон нархли қурилма, чигит мағзини қовурувчи мослама яратилди. Бундан ташқари, унинг тақлифлари асосида 70 дан зиёд корхонада тандир номига монанд нон ёполадиган, экологик жиҳатдан тоза, энергияни тежайдиган электр тандирлар жорий қилинган.

А. Ортиқов жамоат ишларида ҳам фаол. Ёшлар билан ишлашда яхши тажриба орттирган. Уларни илм-фанга жалб этиш, қизиқтиришда вақтини ҳам, ўзини ҳам аямайди.

Аскар Ортиқов 1995 йилдан Миллий тикланиш демократик партиясининг Тошкент вилояти кенгаши раисидир. У Миллий тикланиш партиясининг халқ ва айнакса, ёшлар ўртасида томир отиши учун ҳизмат қилмоқда.

«МТ» жавонхонаси

ОСИЁ КУБОГИ ЎЙИНЛАРИ

Бугун кўпчилиكنинг нигоҳи ойнаи жаҳонга қараган. Бу бежиз эмас, албатта. Бирлашган Араб Амирликларида ўтаётган ўн биринчи Осиё кубоги финал ўйинларини Ўзбекистон телевидениеси тўлиқ намойиш этиб бормоқда.

3 декабр кўни бошланган ушбу нуфузли халқаро мусобақада Ўзбекистон миллий терма командаси Осиё ўйинлари чемпиони сифатида биринчи бор қатнашмоқда.

Кеча командамиз Сурия терма командаси билан учрашди.

Олис Амирликда «Осиё кубоги-96» ўйинлари энди қизиётган бўлса, ўтган ҳафта республикамизда «Оқ олтин» кубоги футбол мусобақалари якунланди. Қашқадарё вилоятининг Китоб ва Шаҳрисабз туманларида бўлиб ўтган ушбу мусобақаларда қишлоқ меҳнатқашларининг ўн битта командаси қатнашди. Кескин баҳслар билан ўтган мусобақаларда Китоб тумани жамоа ҳўжалик командаси 1-ўринни, Тошкент вилоятининг «Хос» жамоа ҳўжалиги командаси иккинчи, «Анджон» жамоа ҳўжалиги командаси эса учинчи ўринни олди. Ҳолиб-ҳақларга қимматбахр совға-саломлар топширилди.

«МТ»: воқеалар, хабарлар

марказининг Бухоро вилояти бўлимида ўтказилган мажлисда Садриддин Салим Бухорий ушбу муассаса раҳбари этиб тайинланди. Йиғилишда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази раҳбари Неймат Аминов иштирок этди.

КИТОБ СОВҒА ҚИЛИНГ

Ўзбекистон — Олмония муносабатлари нафақат иқтисодий, балки маданий соҳада ҳам тобора ривожланиб бормоқда.

Ўтган ҳафта Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида олмон китоблари кўргазмаси очилгани ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.

Ўзбекистонда ўтаётган Германия маданияти кунлари доирасида амалга оширилган ушбу хайрли тадбир кўпчиликка маъқул бўлди. Унинг очилишида Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Райнхарт Биндзайл ва республикамиз маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев иштирок этдилар.

Немис маданияти, санъати ва адабиётини ўрганишда қимматли манбалар бўлиб хизмат қиладиган ушбу китоблар, кўргазма ташкилотчиларининг таъкидлашларича, кутубхонага ҳада этилади.

ҚИШЛОҚДА ГАП КўП

Биз яқиндагина Шаҳрисабзда илк Бизнес-инкубатор ташкил

эр» жамғармасининг Тошкентда жойлашган ваколатхонаси фаолияти хусусида «МТ»да мақола эълон қилганимизда, жамғарманинг вилоятларда турли мавзуларда семинарлар ўтказётгани хусусида ҳам ёзгандик.

Мана шундай семинарлардан бири Фарғона вилоятида бўлиб ўтди. Республика Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда уюштирилган ушбу семинар «Аёл, оила ва жамият» мавзусида бўлди. Эътиборли томони шундаки, ушбу йиғин аёлларнинг бугунги жамиятимизда тугган ўрни, уларга яратиб берилиши лозим бўлган шарт-шароитлар ҳақидаги суҳбатларнинг учинчи босқичидир.

Анжуманда Олмония жамғармасининг минтақавий вакили Волфганг Шрайбер, республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилбар Гуломовалар қатнашдилар.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»ГА ОБУНА БўЛИШНИ УНУТМАН!

индекс: якка шахслар учун 64618; ташкилотлар учун 64619

«Миллий тикланиш»га обуна бўлишни унутман!



этилгани ҳақида хабар қилгандик. Ўтган ҳафта эса ушбу Бизнес-инкубатор «Камолот» жамғармаси, «Ўзбекистон» илмий-саноат, ташқи иқтисодий ва амалий алоқалар уюшмаси, Шаҳрисабз туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Кичик ва ўрта тадбиркорлик негизида инновацион-технологик ривожлантиришнинг муаммолари ҳамда истиқболлари» мавзусида биринчи республика илмий-амалий семинарини ўтказди.

Семинарда қишлоқ жойларда тадбиркорликни ривожлантириш, ҳосилдорликни оширишда замонавий технологиялар аҳамияти, бизнес-режалар тузиш сингари қатор мавзуларда қизиқарли маърузалар қилинди.

Семинар қатнашчилари Шаҳрисабз тумани мисолида қишлоқларимизнинг бугунги кунини ҳамда истиқболлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Г. МУРОДАЛИЕВА

ГАЗЕТХОН БАҲСЕ ҚИЛМОҚЧИ «ТАҚЛИДЧИЛИК ФАЗИЛАТ ЭМАС»

ХУРМАТЛИ ТАХРИРИЯТ!

Ҳар бир халқнинг ўз анъаналари, удумлари бор. Майкл Жексон, Мадоннани телеэкранда кўрганман. Матбуотда улар ҳақида турли шовшувларни ўқиганман. Бу уларнинг ҳаёт тарзи. Биз уларга ҳақамлик қилолмаймиз. Лекин ёшлик бекарорлик, бебошлик дегандек айрим ёшларимизга уларнинг қилиқлари ибрат бўлмоқда. Бунга қандайдир ажойиб аниқлик деб қаралмоқда.

Жексон ҳам, Мадонна ҳам кўшиқни жазавага

тушиб, ўйнаб айтади. Кўшиқ айта туриб кийимларини ечиб ташлайди. Яланғоч холда турли қилиқлар қилади. Уни томошабинлар олқишлайди. Бу улар учун оддий воқеа, кўниқиб кетишган.

Бизнинг томошабинга бу уятсизлик, ҳақорат бўлиб туюлади. Яланғоч бўлиб, шаҳвоний ҳаракатлар қилишни ҳеч ҳазм қилолмаймиз. Санъат нафосати, санъаткор назокати, ибрат ҳикмати шуми? Бизнинг ёшлар шулardan ибрат олиб шунақа қилиқларни такрорлаши керакми?

Дардимни кимга айтишни билмай юрган эдим. Газетангиздаги мақолани ўқиб кўнглим таскин толгандек бўлди. Ўз миллати, тилига саздоқатли жонқуярлар бор экан-ку. Бозор иқтисоди шароитида деярли ҳамма нарсани пўл хал қилади. Инкор қилиш нодонлик бўларди. Пул керак. Усиз яхши яшаш мумкин эмас. Лекин пул топишининг йўли кўп. Энг яхшиси: ўз миллатининг манфаатига зиён етказмай, ҳалол йўл билан топиладиган.

Ёш истеъдодли гуруҳлар кимга, нимага хизмат



ХУРМАТЛИ МУҲАРРИР!

Газетангизда 3 декабрь кўни босилган «Тақлидчилик фазилат эмас» сарлавҳали мақолани ўқиб хурсанд бўлдим. Газетангиз ўз номига муносиб иш қилаётганини алоҳида таъкидлаб, мақола ҳақида кўнглимда туғилган гапларни ёзгим келди.

Шарафиддин КўЗИБОЕВ, «Кўшчинор» маҳалласи котиби

ХУРМАТЛИ МУҲАРРИР!

Газетангизда 3 декабрь кўни босилган «Тақлидчилик фазилат эмас» сарлавҳали мақолани ўқиб хурсанд бўлдим. Газетангиз ўз номига муносиб иш қилаётганини алоҳида таъкидлаб, мақола ҳақида кўнглимда туғилган гапларни ёзгим келди.

ХОРМАНГ, БУХОРИЙ!

Шоир, таржимон, бунинг устига тузуққина илмий мақолалар муаллифи Садриддин Салимни эшитгансиз. Айниқса унинг маънавиятимиз борасида қуюнчақлик билан ёзган қатор мақолалари жамоатчиликда қизиқтириб уйғотиб келади.

Балки шу сабаблидир яқинда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги

АЁЛ МАВҶЕИ ОШДИМИ?

Ёдингизда бўлса, биз Германиянинг оламга машҳур «Конрад Аденау-

ХУРМАТЛИ МУҲАРРИР!

Газетангизда 3 декабрь кўни босилган «Тақлидчилик фазилат эмас» сарлавҳали мақолани ўқиб хурсанд бўлдим. Газетангиз ўз номига муносиб иш қилаётганини алоҳида таъкидлаб, мақола ҳақида кўнглимда туғилган гапларни ёзгим келди.

ХУРМАТЛИ МУҲАРРИР!

Газетангизда 3 декабрь кўни босилган «Тақлидчилик фазилат эмас» сарлавҳали мақолани ўқиб хурсанд бўлдим. Газетангиз ўз номига муносиб иш қилаётганини алоҳида таъкидлаб, мақола ҳақида кўнглимда туғилган гапларни ёзгим келди.

ХУРМАТЛИ МУҲАРРИР!

Газетангизда 3 декабрь кўни босилган «Тақлидчилик фазилат эмас» сарлавҳали мақолани ўқиб хурсанд бўлдим. Газетангиз ўз номига муносиб иш қилаётганини алоҳида таъкидлаб, мақола ҳақида кўнглимда туғилган гапларни ёзгим келди.

Карим ҲАМИДУЛЛАЕВ Каттақўрғон

Дунё ва мен — кўҳна андоза, Етуқлик излашимиз бир-биримиздан.

Гарсия Лорка
Қадимги Шарқ ривоятларидан бирида айтилишича, Худо мукаммал дунё яратишга аҳд қилибди.

Энг муқаррам, энг онгли мавжудот — одамзотнинг буюк кашфиётларидан бири у мукаммал дунё ўзининг руҳи, тафаккури ва меҳнати билан яратилишини англаб етганлигидир.

Вақт ўтиши билан руҳий олам муаммолари кўпроқ Шарқнинг, дунёвий муаммолар эса Гарбининг сеvimли мавзуларига айланди. Шарқ етуқ инсонни рўҳдан, маънавиятдан, одамнинг Худого, чекизликка талпинишидан кидирди.

Буддадаги бу фикр кейинчалик зардуштийлик, ислом илоҳияти, Ясавия ва Накшбандия таълимотлари, Замашарий, Кубро, Ибн Сино, Навоий каби алломалар ҳаёти ва ижодида ҳам ўз аксини топди.

Будда Худого сизиниши оқиқ тарғиб қилмаган бўлса-да, руҳий кечинмаларнинг чекизлик билан доимо алоқадорликда эканини инкор этмайди. Шарқ тафаккурининг бу хусусияти унга инсон руҳий оламининг, унинг бутун борлик, коинот ва Яратган билан яхлитлигини кенгроқ тадқиқ қилиши имконини берди.

ва диний-фалсафий бойликлари билан таъсир кўрсатадиган бўлиб қолди. Ёки ҳаётимизга гарбона давлатни бошқариш тузумлари, демократия, ишлаб чиқариш ва техника куроллари кенг кириб кела бошлаган бўлса, Гарб мутафаккирлари, жумладан, Монтескиё, Гёте, Бергсон, Швейцар, Фромм, Камю, Хаксли Шарқ тафаккуридан баҳра олиб, янги-янги фалсафий қарашларни яратдилар.

Фалсафий гурунг
КЎҲНА АНДОЗА

жаси бўлади, деган фикр туғилди.

Етуқ инсонни илм-фан номаёндалари ён-атрофдан, илоҳиятшунослар руҳидан қидирадилар. Оқибатда бир-бирини тўлдирувчи ва бойитувчи бу тафаккурий қарашлар баъзи ҳолларда қарама-қарши оқимларга айланди.

Инсон тўрсидаги ҳар қандай фалсафий фикр уни, биринчидан, Коинот, Борлик, Рўҳ каби атамалар билан атловчи Худо, иккинчидан, давлат, учинчидан, жамият билан боғлиқ ўрганишни тақозо этади.

Инсонга ён-атрофни, оламни, чекиз борлиқни ўзининг бепеён руҳи билан тадқиқ этишга, англашга интилиш хос. Бу хусусиятини унутган заҳоти у ўзининг қудратини, зиммасига юклатилган мукаммал дунё яратиш вазифасини ҳам унутади.

Худони ақлий йўл билан англаш қийин. Уни фақат бой ҳаёлот ва бу ҳаёлот мавжудлигини тан олиш орқали билиш мумкин. Гомернинг «Илиада-си, Дантенин «Илоҳий комедия-си, қадимги грек маъбудалари ва саройлари, «Махоб-

хорота», Библия, Қуръон, Фирдавсийнинг «Шоҳнома-си, Навоийнинг «Хамса» ва «Хазойинул-маръий» тўплами, Салвар Далининг сюрреалистик, Баҳоидир Жалоловнинг деворий ранг тасвирлари, Вагнер, Шопен, Чайковский куйлари бой ҳаёлот махсулотларидир.

Фалсафий гурунг
КЎҲНА АНДОЗА

ра лабонаб бода ошомимга айт» каби ғазалларини мутлола қилганингизда нега ҳаёлингиз сирли кенгликларга парвоз этади?

Фоний дунёда нимага интилманг, нимани қўлга киритманг, маълум вақт ўтгач, у ўз қимматини йўқотди, лекин инсон илоҳифат нарсаларга талпинишдан зерикмайди. Бу сизини инсон дилига ҳузур бахш этади, уни қуноро ўзгарувчи ҳавасларга берилишдан, умрини ўтқинчи нарсаларга бағишлашдан асрайди.

Ўзбек шоирлари
Бевафо замона
Нисо берболари

Кўҳна Кўкон қадимдан ўзининг шоиру шоирларини, уламо-ларини-ю фузаларини, санъаткори ҳодизларини билан маълуми машҳурдир. Узоғи хос адабий мактаб яратган Муҳимий, Завқий, Фуркат каби забардаст шоирларнинг изларидан борган Мухий, Қорий, Мухимий, Махмуд Ҳаким, Рокки Ҳўқандий сингари ўнлаб шоирларимизнинг ҳали эълон қилинмаган қўлаб ноб асарларининг аниқланиши ҳамда шу пайтгача илмий жамоатчиликка мутлоқ номаълум бўлган Шайдоий ва Нисо асарларининг топилиши Кўкон адабий мухитини яна ҳам чуқурроқ ўрганишни тақозо этмоқда.

Илмий изланишлар натижасида шоира Нисонинг дастхат девони, қатор мактублари ва таржимаи ҳолига оид маълумотларни аниқлашга муваффақ бўлинди.
Адабий таҳаллули «Нисо» бўлган Ойимнисо 1879 йили Кўкон яқинидаги ҳозирги «Ўзбекистон» тумани Ўрта Оқмасжид қишлоғида яшовчи Мулло Иброҳимхўжа оиласида туғилган. Онаси Ойдиннисо ўз даврининг маърифатли, фозила аёлларидан бўлиб, мактабдорлик қилган.

17 ёшида Ойимнисони кўшни Нурсуҳ қишлоғининг Намозгоҳ маҳалласида яшовчи Абдусамдўжа эшонга турмушга уза-тишди ва у Муҳаммадхўжа, Абдуллахўжа исмли икки ўғил қўради.
Бу ерда у Кўкондан келиб тушган Подшобиби отин билан танишиб, ўз уйида мактаб очади ва қизлар, балоғатга етмаган ўғил болаларни ўқита бошлади. Оқиллиги, фозилалиги ҳамда ўз илмига амал қилишига каби гўзал исломий ахлоқи билан шоғирдларига ўрнак бўлиб, уларнинг мурғак қалбларини иймон-этиқод нурали билан еритишда ҳамда илм-маърифат сирлари билан ошно қилади.

Шўрлар ҳокимият тепасига келиб маълум вақт ўтганидан кейин дин ва дин пешволари таъкиб остига олиниб, диний асосдаги таълимгоҳларда ўқитиш таъқиқлаб қўйилди. Шулар қаторида Ойимнисо мактаби ҳам бекитилди. Бу давр ичида эиеллиларга қарши қаттиқ ҳужум бошланиб, илмий кишилар турли бахоналар билан қатғон қилинди. Шу сабабли 1927 йили Ойимнисо турмуш йўлисида Абдусамдўжа эшон, ўғли Абдуллахўжа ва устози Подшобиби отинлар билан Саудия Арабистонига ҳижрат қилишга мажбур бўлди. Улар қўл машаққатлар чекиб, 1929 йилнинг баҳоринда Арабистонга етиб боришди.

У ерда Макка Мукаррама, Мадина Мунаввара шаҳарларини зиёрат қилиб, ҳаж арқонларини адо этишди. 1929 йилдан то 1970 йилгача Мадина Мунавварадан «Исфара тақсида» дунг Тоиф, кейинроқ Табуқ шаҳарларида яшайдилар. 1932 йили Тоифда Абдусамдўжа эшон вафот этади. 1970 йил баҳоринда Ойимнисо ўғли, келини билан бирга Уммонга кўчиб кетадилар. Она ватан фирқоюда, юрагининг бир парчаси фарзанди аржумандини ҳеч бўлмаса бир бор кўриш умидида, мухожирликда умр кечирган Ойимнисо 1976 йилнинг ёзида 97 ёшида вафот этади.

Бошланғич таълимни ўз онасидан олган Ойимнисо форс ва тожик тилларини мукаммал эгаллайди. Араб тили лўғат бойликларини ҳам яхши ўзлаштиради. Хусусий мутлолага берилиб, Ҳожа Аҳмад Ясавий, Фариқиддин Аттор, Алишер Навоий, Фузूलий, Суфи Оллоёр, Мирзо Бедил, Машраб, Хувайдо, Амирий, Қорий, Мухимий, Фуркат, Ҳазиний каби қўлаб шоирларнинг асарларини кўнл билан ўрганиши натижасида, унда шеърингга қучли муҳаббат уйғонади. Ҳўган асарларидан руҳаник 14-15 ёшларидан бошлаб ўзи ҳам шеър ёза бошлайди. Кейинчалик эса Навоий, Фузूलий, Амирий, Қорий, Пиримқори Андижоний, Ҳазиний каби машҳур устод шоирларнинг ғазалларига мухаммаслар боғлаб, шоирлик маҳоратини янада оширади, билмларини мустаҳкамлаб баркамол шоира бўлиб етишади. Катта ўғлига ёдгорлик сифатида қолдириб кетган мукаммал девони фарзандида 1974 йилгача сақланиб, вафотидан сўнг унинг ўғли — шоиранинг набираси Раҳматуллахўжага мерос бўлиб қолган ва ҳозиргача унда сақланмоқда.

Давр тақозоси билан мухожир бўлиб кетган шоира Нисо 1941 йилгача Она ватанида қолган фарзанди Муҳаммадхўжа эшон билан, қариндошлари, дўстлари ва шоғирдлари билан соғинч хатлари орқали дардлашиб турган. Шунингдек, мухожирликда ёзган шеърларини ҳам юборган бўлиб, уларнинг бир қисми девонига илова қилиб қўйилган.

асарларидан шу пайтгача бебаҳра бўлиб келдик. Бунинг таъсирида тубанлаша қориб, гухроқликда нафақат маданиятимиздан, ҳатто маънавиятимиздан ҳам буткул узоқлашдик! Аллоҳга минг шукрлар бўлсинки, диёримиз хурриятга эришиб, бундай мажбурий гофиликлар барҳам топди. Биз ўз илдизларимизга эътибор бериб, ҳақиқатга тик қарашга ўргандик. Илгари ноҳақ қораланган шоирларимиз, олимларимиз ва даҳоларимиз бугунги кунда ўз мавқани эгалламоқда. Аждодларимизнинг нафақат илму ирфонлари, ҳатто одоб-ахлоқлари ҳам қадимдан Гарбга ўрнак бўлиб келган. Шунинг узоғида бизга улкан масъулиятлар юклайди. Миллий қадриятлардан келиб чиққан ҳолда ҳозирги ва келажак авлод маънавиятини тўғри шакллантириш бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун ҳам иймону эътиқодга, ўзлиқни англашга, маънавий камолотга даъват руҳида ёзилган Нисо асарлари, айниқса биз учун зарурдир. Куйида шоира девонидан олинган бир туркум шеърларни Сиз, шеърят ихлосмандлари ҳўқмига ҳавола этар эканмиз, бу шеърлар сизларга ҳам манзур бўлади, деган умиддаимиз.

Аҳмаджон МАДАМИНОВ,
ЎзРФА Х. Сулаймонов номидаги
Кўлэмалар институти Кўкон
бўлимининг катта илмий ходими,
филология фанлари номзоди,
Салимаҳон ЭШОНОВА,
Кўкон шаҳар Ф. Фулом номидаги
адабиёт музейи илмий ходими

- Бир неча ҳешу табору ул уруғ-аймоғлар.
Ноғохон етса ажал — тўлса умр паймонаси,
Ер аросида ётармиз ёру дўст, уртоғлар.
Эй, Нисо, ибрат кўзин очиб тамошо айлагил
Ким, бино этти жаҳонда шўраю қамғоғлар.
Бўлунг огоҳ, биродарлар, бу вақт қандоғ замон бўлди?!
Келиб кофир, мусулмонлар ичинда бегу хон бўлди,
Узин билгон диловарларни бағри тўла хон бўлди,
Кийлиб хижрат Мадина, Қабатўлдога равон бўлди,
Худоғў саййибу олим маломатга нишон бўлди,
Зинқор, оқлард гўё виллоятга ишон бўлди.
Халойиқ бўлдилар машҳур фиску қору бидъатга,
Худоғў хўшинг курс, қочарлар анда хилватга,
Кийиб кимхобу хосу бахмал атласни зийнатга,
Этиб бадалсу нокасларни хизматкор савлатга,
Қанда мажлисе бўлса, бориб онлар қалон бўлди,
Қулида моли йўқ олим аларга ходимон бўлди.
Фалак қажравлигининг кимга бориб, кимга дод айлай,
Узин билгон диловарларни бағри тўла хон бўлди,
Валию муқдодларнинг жабойқ қадрини билмай;
Худонинг сўзлагон эски қафони кўзига илмай,
Қанда агнёе бўлса, аларга жоноҳон бўлди,
Солиб захрин фақирю бенаволарга, чаён бўлди.
Адофасу сўханрас порселар бўлдилар хомуш,
Эл ичра мўстабар ҳоло сўзи мисқоли саллапуш,
Худони сўзласа ҳар ким, халойиқ айламайдуру гўш,
Эшитгай жону дил бирла «палов» десанг «маа киммуш»,
Этиб тарки қаноат, эл асирю ошу нон бўлди,
Бу боисдан неча одам макондин бемақон бўлди.
Киш руст сўзласа, анга мусулмонлар изо бергай,
Уруб бошига юз қамчин биля кофир жазо бергай,
Фаразлуғ сўзи мардумга шақардек назо бергай,
Халойиқ хўшини қуваб, ямонларга изо бергай,
Бу боис ўрқю қазоблар ҳўқми равон бўлди,
Нисо, йилга саҳарлар, «Тавба» деб, охир замон бўлди.
«Алиф» — Эй Аллоҳ, сени бир кўргали борму илож?
«Бе» — Бериб бул танда жон, бир кўргали борму илож?
«Те» — тиловат айласам, ҳар дам каломингни санинг,
«Се» — Савоби хатм этиб, бир кўргали борму илож?
«Жим» — Жамолингни санинг юрсам сўроғлаб дар-бадар
«Ҳе» — ҳаётим борица, бир кўргали борму илож?

ликни эса маълум бир хислатлар билан чегаралаб бўлмайди. Худди шунингдек, шахснинг давлат билан бўладиган алоқаларини ҳам.

Ҳозир дунёда демократик жамият қуришга, давлат идораларини ҳурфиқрик талабларига мувофиқ ташкил этишга интилиш қучли. Бу интилиш демократия, давлат билан шахс манфаатларининг уйғунлашувига, адолатли жамият яилан-е туқ инсон шаклланишига қаролат беришчи қадриятга айлан-моқда. Аммо ҳақиқий иждоқор — инсонга тинмай изланиш, ўз ҳаётиндан, ишидан доимо қониқмаслик, янги-янги каш-фиётлар қилишга интилиш хос. Давлат ўз хусусияти ва ту-зилишига қўра, «етти ўлчаб бир кесини» яхши қўради. Бу фарқни батамом бартараф қилиш мумкин эмас, лекин улар-ни бир-бирларига яқинлаштириш йўллари мавжуд. Бирин-чиси — азалдан иждоқор кишилар, маданият ва маориф бадавлат кишиларнинг, ҳўқмдорларнинг қўлаб-қувватлашига мўҳтоб бўлиб келади. Давлатнинг ёрдамисиз маънавият юк-салмаслигига ҳозир ўзимиз ҳам гувоҳ бўлиб турибмиз. Шу-нинг учун ҳам давлатимиз бу соҳани ривожлантиришни ўз зиммасига олган. Бинобарин, бир пайтлар Ф. М. Достоев-ский маорифга ажратилмаган маблағ ҳарбий сарфлардан кам бўлмаслигини орзу қилган эди. Швеция, Швейцария, Япония, Германия каби кўпгина давлатларда миллий до-рамнинг асосий қисми маданият, маориф ва илм-фанга аж-ратилаётгани ҳам ибратли мисолдир.

Инсон — ижтимоий шахс. Будда даврида одам боласи тарқидунё қилиб, ўрмон чеккасида якка ўзи камолотга ин-тилан бўлиши мумкин. Ҳозирги пайтда эса инсоннинг жа-миятдан ташқарида қомиллашга эришиши туғул яшашини ҳам тасаввур этиш қийин. Етуқ Инсон ўз тарихий-маданий қадриятларига эга бўлган муҳитда, жамиятга шаклланади.

Қомил Инсонга хос фазилатларни кимдир ватанпарвар-ликда, адолатпарварлик ва халқларварликда, кимдир меҳ-натсеварликда, яхши хулқ-атворда, яна кимдир эл-юрт таш-виши билан яшашда, қатгани ҳурмат, кичикни иззат қилиш-да, меҳр-оқибатли, илм-маърифатли бўлишда деб билади. Шубҳасиз, баркамол инсон учун бу хислатларнинг барчаси мумкин. Бу жамийи халқларнинг узоқ тарихий тажрибасидан келиб чиққан ҳақиқат. Б. Ницше шунси назарда тутиб: «Биз ўтмишга занжирбандимиз, қаерга қочсак, тарих занжирю ҳам биз билан бирга қочади», — деган эди. Нотондан, «Сиз аҗойиб кашфиётларга қандай эришдингиз?», — деб сўраш-ганида, у: «Мен буюк аждодлар елкасида ўтиргандим», — деб жавоб берган экан. Демак, биз буюк аждодларимиз меросидан унумли фойдалана билишимиз ўта муҳим.

Тарих ва аждодларимизнинг Улмас Рухи бизни ҳаминша хушёрликка қорлайди. Киммиз, яшайдан максимизимиз нима, иймон-этиқодимиз саломатми, бахт-саодатга эришиш йўл-ларини топдикми, ёшларга нима берайлик, келгуси авлод-га нима қолдиришимиз деган азалий саволлар ўй-хаёллари-мизни тарқ этмайди. Бу муаммоларни ҳар бир авлод ўзига, ўзининг онги, куч-салоҳияти билан ҳал этади. Бир авлод босиб ўтган йўл, қўллаган усуллар бошқаси учун тўғри кел-маслиги мумкин. Аммо инсоният МАЪНАВИЯТ деган бир соҳани, РУҲИЯТ деган бир оламни кашф қилгани, уларнинг моҳияти барча даврлар ва барча авлодлар учун бир ҳил.

Инглиз файласуф-тарихчиси А. Тойнбининг ҳисоб-кито-бига қўра, Инсоният маданият ва тараққий йўлига қадим кўйганига эндигина 6 минг йил бўлган. Демак, Инсон Аллоҳ томонидан гарданига юклатилган мукаммал дунё яратиш вазифасини баҳаршига эндигина киришти. Демак, изла-нишлар ҳали олдинда...

Виктор АЛИМОВ



- «Хе» — хаёл айлаб висолнингни кеча-кундуз санинг,
«Дол» — Дуога ал очиб, бир кўргали борму илож?
«Зол» — Зинқиринда кечурсам умрим ҳар субҳи шом,
«Рез» — Ривзат айлабон, бир кўргали борму илож?
«Зе» — Зор йилгаб, кўзимдан ёш тўқуб, айлаб фиғон,
«Син» — Солиб дилга ғаминг, бир кўргали борму илож?
«Шин» — Шаби хижрон ўти этса бу жисминни гудоз,
«Сод» — Сабр айлаб, сани бир кўргали борму илож?
«Зод» — Зиё айла дилим зулмотини, эй покзод,
«Итқи» — Толибман санго, бир кўргали борму илож?
«Изги» — Зоҳир-Ботинимни айла ҳажрингда гудоз,
«Айн» — Иноят айлагил; бир кўргали борму илож?
«Ғайн» — Ғурбат ичра қолгон бир ғариби зорман,
«Фе» — Фидодур санга жон, бир кўргали борму илож?
«Қоф» — Қаддимни қамон этгил муҳаббат боридин,
«Қоф» — Куйдуру жисму жон, бир кўргали борму илож?
«Лом» — Лол этгил тилим, санидан дигар зикрин деса,
«Мим» — Муродим шул эрур, бир кўргали борму илож?
«Нун» — Наво айлай санинг ҳажру ғамингда зор-зор,
«Вов» — Васлингга етур, бир кўргали борму илож?
«Хе» — Хижронингда нобуд айлагил ақлу хўшим,
«Лом-алиф» — Лол айлагил, бир кўргали борму илож?
«Е» — Е раб, айлагил осий Нисо журмини афв,
Нозиш айлабдур санго, бир кўргали борму илож?
Ошиқи дилдодларига васли ул жонон лазиз,
Булбули бечораларга ул гули хандон лазиз.
Кимки ичса бодаи жоми муҳаббатдин шароб,
Тарқ этар хирсу ҳавони, зикри ул субҳон лазиз.
Эй дило, ташлаб бу дунё молини, хушёр бўл,
Жумла неъматлар ичинда санга ул иймон лазиз.
Зоҳидо, тасбех, ридони қатрае сан майға сот,
Айлагил тақрор Қуръон, санга «Ар-Раҳмон» лазиз.
Булбули бечорадек гул ишида фарёд уруб,
Ошиқи сарғашларга ох ила афгон лазиз.
Эй Нисо, ишқ истасанг, этма маломатдин ҳазар,
Екса бошингга маломат тошиндин лазиз.

МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ ЖОҲУРЛАРИ

Исмоилбековнинг ўзбек тилидаги асарлари

Профессор, доктор Иброҳим Еркин 94 ёшга...

Анкара университетининг профессорлари...

унинг 1960—1980 йиллар орасида...

раҳнамоларидан ва миллий истиқлолимиз учун...

тамлакачилик сиёсатига қарши олиб борган...

Ўзбекистонда яшаб ижод қилётган қримтатар...

Исмоилбеков муаллимлар билан урчишига...

деб уларни тинчлантирдим. Бунга нима дейсиз?

ТУРКИСТОНДА МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ҲАРАКАТЛАРИ ВА МУНАВВАР ҚОРИ

Туркистонда янги хилдаги мактабларнинг очилиб...

га киришган эди. Туркистонда бу замонавийлаш...

тирдилар ва муаллим бўлиб етишдилар.

газетасида Мунаввар қори жуда катта рол ўйнади.

ерда бутун Туркистонда ҳам миллий ҳаракатлар...

лашдилар; мазкур бирлашув оқибатларида...

Бу ташкилот янги халқ исённи кенг авж олган...

— Таржимон» онда-сонда келиб туради.

Мунаввар қори, Туркистонда 1930 йилгача...

У 1880 йилда Тошкентда дунёга келди.

Мен илб тахсилимни Эсон Хужа Хонинг мактабида...

1914 йилда адвокат Убайдулла хўжа тарафидан...

1917 йил охирида коммунистлар (болшевиклар)...

Мана шу барча гоёвий кураш майдонларида...

— Муаллим, бу қандай бўлди? Тошкентда бир неча кун бўлиш...

— Бизга кўп тулар, ёрдам қилар одам йўқ.

Туркистонни истилога дучор қилган фалокатлар орасида...

1908 дан сўнгра аса, Туркиядан мухожид...

Очилган янги мактабларни моддий қўллаш...

Маслақдошлар Мунаввар қори туркистончилар...

1915—1916 йилларда унинг атрофида янги ташкил этилган...

Мунаввар қори совет режими билан муносабатлар...

— Шунасиям бўлади, — деди Абдулғанибой.

— Мухтарам Маҳмудхўжа! Бирлашиб, акл билан...

Туркистонда 19-юз йилликнинг охирида...

Мунаввар қорининг янги усулда мактаб очиб...

Халқи уйғотиш, янги гоёлари йиғиш...

1916 йил халқ ҳўзолонини Чор маъмурияти...

1918—1924 йилларда миллатпарвар ташкилотларининг...

Мунаввар қори тарбиячи, халқ ичидан етишиб...

Туркчадан таржима қилувчи Абдулқодир Зоҳидий

Гул тусаман, катта бўлганда, Суватани мени, азизам?

«ШОШИБ ТУРИБСИЗМИР ЖЕТАВЕРИШИНГИЗ МУМКИН...»

Ешу қари бирдай эъозлаган, қалб тўридан жой олган, ўзбек театри, киноси даргаларидан бири Наби Рахимов ҳақида икки оғиз биланларимни хикоя қилгим келди.

Халқ артисти Наби Рахимов ҳаётида ўта хушчақчақ, нозик таъбли, зеҳни ўткир, фикри чуқур, кўп хангомалар, латифаларни ёдида сақлаб, улфату гурунларда катта маҳорат билан сўзлаб берар, тингловчиларни бир зумда ўзига ром қиларди.

Муסיқа чоғуларининг товуши бир-биридан фарқ қилгани каби Наби аканинг товуши бошқа актёрлар товушидан ажралиб турарди.

Мен Наби аканинг сахна ҳаёти, кинодаги роллари ҳақида гапирмоқчи эмасман. Чунки бу соҳанинг ўз мутахассислари бор. Мен Наби ака билан салкам 40 йил мобайнидаги дўстлигимиз, биродарлигимиз, то умрининг сўнгги

ака ёд олган эканлар, Собит Саидовга қараб, Сайфи Жалил шу йигитча бўладиларми, деб бизлар билан кўл бериб кўришдилар ва бизга қараб, бекор тўхтабсизлар-да, бу ерда муздаққинасидан йўқ, дедилар ва менга қараб: Сайфи, хўп кўшиқ бўлганда, — деб мактаб кўйиб машинага ўтириб Тошкент томон жўнаб кетишди.

Бу биринчи учрашув ва танишув бўлса-да, аммо Наби акани аллақачонлардан бери билар ва севардики. Шу йиллар Ҳамза театрига кўп борар, Наби ака иштирок этадиган спектакллари ҳам оилавий, ҳам дўсту биродарлар билан бирга кўраддик.

Наби ака одамни зериктирмас, теша тегмаган гапларни яхши кўрар эдилар. Латифагўйликни-ку асти кўяверасиз. Хуллас, мен Наби ака билан салкам 40 йил мобайнидаги дўстлигимиз, биродарлигимиз, то умрининг сўнгги

бўйлари Наби акадан бироз паст эди. Яна нарироқда Йўлдош ака қарши олдилар. У ҳам ҳазилсиз кўчмади.

— Йўлдош, бу шахло кўзларингни кимдан бекитмоқчисан? Кошки ёш бўлсанг эди... — деди Наби ака.

— Э... сандан-да, Наби... Ҳе, сенга берган темир тароғим қани? — деди Йўлдош ака.

— Нима қилмоқчисан? — сўради Наби ака.

— Қошимни тароғиқчиман.

— Э... У-ми, у сен берган темир тароғи мен композитор Сулаймон Юдаковга совға қилворганман... Наби ака шундай дейишлари билан гурр этиб кулги кўтарилди ва бу кулги анчагача чўзилди.

Йўлдош аканинг қошлари ҳаддан ташқари ўсиб, кўзларини беркитиб турар эди. Сулаймон Юдаков эса тароғча ҳеч ҳожд сезмас эди. Ҳар замонда улфатлар йиғилишиб, гурунг қилар эдик.

Наби ака бор жойда гурунг жуда файзли бўлар, ва ҳеч ким зерикмас эди.

Наби ака улфатларининг аксарияти ёшлар бўлиб, ўзларидан камда 15-20 ёш кичик, аммо ҳеч сен ёшсан ҳали деб қамситмас, аксинча кўнгилларини кўтарар эдилар.

Наби ака билан бирга кўп сафарларда бўлганмиз. Жумладан, Бокуда, бир неча бор Москвада, қолаверса Фарғона водийси биз учун икки қадам бўлиб кўринар эди. Иккаламизда ҳам «Газ-24» машинамиз бор бўлиб, гоҳ у кишининг, гоҳ менинг машинамда навбати билан Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида бўлиб, ёру биродарлар билан кўришиб ҳордик чиқариб қайтар эдик. 80-инчи йил бошларида ёзда Наби ака билан оилавий сафарга чиқмоқчи режалаштирдик.

Шундай қилиб, Наби Рахимов рафиқалари Любовь Семёновна ва мен, рафиқам, икки ўғлим билан менинг машинамада йўлга чиқдик. Бишкеккача 700 кмдан зиёдрок бўлса-да, йўл узоклиги бизга унча билинмади. Хайдовчи мен, сўзловчи Наби ака бўлиди. Бишкекка етиб келиб, «Киргизфильм» ни ахтариб топдик, минг афсус, киностудияда бирорта ҳам раҳбар топилмади. Таваккал қилиб кетавердик. Яна 240 км йўл юрдик. Иссиқкўлга ўтишда шлагбаум бор, милиция формасида дарвозабонлар туради. Биз йўл-йўлакай ҳар хил режалар туздик.

— Наби ака, энди буюғи қандай бўлди? — дедим. Наби ака: киностудия дарвозабонидан сиз азиз дар-



возабонларга алангали салом! — десак ўтказиб юбордик, дедилар, қулишдик. Қисқаси, шлагбаумга етиб келиб, бир чеккада тўхтадик.

— Сенлар ўтира турунлар, мен бир ҳаракат қилар кўраман, — деб, Наби ака постга бордилар ва киссаларидан бир нарсани олиб дарвозабонга кўрсатдилар, биз машина ичида ўтириб кузатиб турган эдик. Наҳотки Наби ака қоровулга пул бераётган бўларми?

Бир вақт қоровул Наби акага «чест» бериб, қандайдир ҳужжатни кўллари-га қайтарди. Наби ака бизга «машинани ҳайда» деган ишорасини қилдилар ва шлагбаумдан ўтиб кул томон йўл олди. Люба она Наби акадан сўрадилар: — «Сколько дал?» — Наби ака жим. «Скажи пожалуйста, сколько дал?» — Э... Люба, мен эсимни ебманми пора бериб, мана буни кўрсатдим, — деб паспорт ичидан бир суратни олиб кўрсатдилар. Суратни кўриб, ҳаммамиз тоза қулишдик, чунки фото тасвирда Наби ака милиция полковниги эди. У «Рибакки Арала» номли киргиз фильмида уйнаган роли эди.

Долинка кишлоғида менинг бир киргиз танишим бўлиб, бу эскигина ҳовлига оилам билан бир неча бор келиб, ҳовли эгаси Олтиной билан аймоқлашиб кетган эдик.

Тўрт хона, 20 сўтих дала ҳовли, газ, ошхона, отхона, хуллас, шароит яхшигина дам олишга мос эди. Люба она кўриб жуда хурсанд бўлиди. Иссиқкўл биздан 3 км узокликда бўлиб, ҳар куннонуштадан сўнг машинада ҳаммамиз чўчилишга борар эдик ва оқ чодирларни тиклаб, тушликни уша қирғоқда қилар эдик. Қуларнинг бирида, машинада Иссиқкўл атрофларини савҳат қилмоқчи истаб, йўлга чиқдик ва Чўлпон ота каби бир қанча туманларни айландик.

Шундай қилиб, Иссиқкўлда йигирма кундан зиёдрок биргаликда ҳордик чиқардик, сафаримиз қариди ва эсон-омон Тошкентга қайтиб келдик. Ис-

сиқкўлда бўлган воқеаларни кўп йиллар қувониб гапириб, қизик хоҳларни эслаб, қулишиб юрдик. Наби Рахимов 1911 йил 7 ноябрда Кўкон шаҳрида мисгар оиласида таваллуд топганлар. Наби аканинг айтишларича, Ўзбекистон халқ артисти Шариф Каю-

ҳоратиға ҳар қандай санъаткорнинг тан бермасдан илоҳи йўқ, шу учун Наби ака хотиржам эдилар. Мустиқиллик майдонидан катта тантана. Халқ байрами, мустиқиллик байрамининг биринчи йили — 1992 йил 31 август эди. Минбардан давлат арбоблари, фан ва санъат арбоблари, хорижий меҳмонлар жой олган эдилар. Тантанани хурматли юртбошимиз Ислам Каримов очиб, нутқ сўзладилар. Сўнг томоша бошланди, сахна минбардан анча узоқ эди, лекин сўзлар, муסיқа садолари, катта радио қарнайлари орқали аниқ эшитилар, ҳаракатлар аниқ эди. Минбарнинг чап томони учинчи қаторда Наби ака ҳам ўтирган эдилар, мен урта-роқда эдим, ҳамма бўлаётган воқеаларни кузатиб ўтирар эдим. Катта сахнада томоша давом этаётган бир вақтда Ислам Абдуғаниевич ўрниларидан турдилар ва кўлларидаги дурбин Наби акага олиб бориб бердилар. Бу инсоний эътиборга ҳаммамиз қойил қолдик. Шундай қилиб, жонажон Ўзбекистонимиз мустиқиллигининг биринчи йилини биргаликда тантанали қарши олганмиз, бу менинг юрагимда ўнмас, қувончли из қолдирди.

Наби аканинг 70 йиллик тўйида шу назми ҳам айтган эдим:

Саҳнада жаллод бўлар, балки хон, Улфатига дилбару, оромижон, Хлестяковни ёки Яго — шу каби, Ҳар мақомда устаси — устоз Наби, Кабул этгай Бобо Кайфий, Шерни битди машоққ Сайфий.

Сайфи ЖАЛИЛ, Ўзбекистон халқ артисти, бастакор, профессор



дақиқасига дову бир-биримиздан хабар олиб турганимиз ҳақида гапирмоқчиман.

1957-58 йил ёз кунларининг биринчи ўртоқларим Наим Каримов, Хусниддин Шарипов, Миад Ҳакимов «Москвич»-да сайр қилиб, Янгийўлга томон йўл олди. Хусниддин, Миад пивоҳўрликни маъқул кўрар эдилар. Янгийўлга кета туриб Зангиотадан ўтиб, йўл ёқасидаги чойхонада тўхтадик. Рўпарамиздан Собит Саидов билан Наби Рахимов чиқиб қолди. Бу ҳаммамиз кўлимиз кўксимизда саломлашдик. Шу вақт Наби ака кутилмаганди: «Тингла, жоним, сенга бир гап айтман» қўшигини айтиб юбордилар. Бу Пўлат Мўмин шериға басталанган янги кўшигимиз эди. Радио тўқилларида ҳар кунни янгарди. Наби

қараб, ҳали шошиб турган эдингиз, энди кетаверишингиз мумкин, деб қулиб ҳам қўрдилар ҳазил арасла.

70-йиллар. Ёз кунларининг биринчи, мен «Ўзбекфильм»-га бораётиб дарвоза олдида Наби акани учратдим, Наби ака: Ха... келсинлар, дедилар. Салом-алиқдан сўнг Йўлдош ака йўқлабдилар, фильмга муסיқани монтаж қилгани бўлса керак, дедим. Кинорежиссёр Йўлдош ака Аъзамов «Мехробдан чаён» (А. Қодирий романи асосида) фильмига бастанланган муסיқани тушириш керак эди. Студия ҳовлисида Наби ака билан кета туриб йўлда ёзувчи Маннон Фани (студия муҳаррири)ни учратдик. Наби ака ҳазиллашиб, Маннон қани?! — дедилар. Бехосдан қулиб юбордик. Маннон аканинг

мова Наби акадаги истеъдодни сезиб, «Сен артист бўласан» деб, 1928 йилда Тошкентга, Ҳамза театрига йўланма берган ва биринчи устозлик қилган эканлар. Наби ака устозлари Ҳожи Сиддиқов, Миршохид Мироклиловлар тўғрисида жуда кўп яхши сўзларни айтар ва айниқса Маннон Уйғур, Етим Бобоҷонов, Обид Жалилов, Аббор Ҳидоятқовлар ҳақида мароқ билан сўйлар эдилар. «Ҳар бир спектакл биз актёрлар учун байрам ҳисобланар эди. Зал ҳамма вақт томошабинлар билан тўла бўларди» деб, Наби ака озгина ўх тортгандек бўлардилар. Аммо жуда оптимист эдилар. Ҳамза театрининг келажаги порлоқ бўлишга қаттиқ ишонар эдилар, чунки Наби акадан кейинги авлод, яъни ҳозирги актёрларнинг истеъдоди, актёрлик ма-

UNIC advertisement for 'UZBEKINVEST' company, listing various services and contact information.

Исмоилбекнинг янги асарлари

Боши учинчи бетда.

— Бизда ҳам сиз каби арбоблар етишса, ишлар бери бўлса-да, жилишар эди. — деди маҳзун бир алфозда Шакурди.

— Иншоаллох, етишар... Биз мусулмонлар бирлашмоғимиз, ўқимоғимиз, дунё илмидан хабардор бўлмоғимиз даркор. Бунинг учун ўзаро ёрдам, муштажам алдоқа зарур. Мактаблар очиб, дарсликлар ёзиш лозим. Усули ҳақид бу соҳада энг келишқилди. Афандилар, бошларингизни юксак кўтариш. Имон бўлмаган ёрларда хайрия жамиятлари тузингиз. Жомеларингиз парларидан фойдаланингиз. Иссиқкўл ниҳати муллаларини жалб қилингиз. Аминман, бу иш қўлингиздан келур... — деди уларга далда бериб Исмоилбек.

У муаллимларнинг соддаликларига таажубланмади. Зулм жамияти одамларни не ҳолга келтирганидан, энг хурматли кишиларни ҳам ортада қолшга мажбур этганидан нафратланди. Остроумов деган бир шахс узоқ ўрасиядан келиб, минг йиллик маданият ўчоғида ўт ўйнатади, туб аҳолининг ўз маҳалласида оёқ босмоғини истамайди. Лекин ўзини ўқимшли, маданиятли ҳисоблайди. Хатто Куръон ҳақида китоб ёзади, мусулмонларнинг қоғирларга айланганларини орозлайди...

Амир билан кўришувда бу хусусида гап очиларми? Очилса ҳам, ҳоким бунинг амирликнинг марказида эмас, истироҳат марказида белгиланди? Балки амир «Мени яшашини кўр, мен қандай бойман», дедмак истайдир? «Буни кўр-да, газетанга ёз», деган фикрдандир?

Амир не бўлганда ҳам, ўз табақасининг одами, уни халққа қайштириш осон кечмас. Аммо у жоҳил ҳам, қовқош ҳам эмас, калласи ишлайди. Унинг аҳолини қўришининг сўнгги хони Шайингиройга ўхшатиш мумкин. Шайингирой ҳам Екатеринага алданди, гузал Қиримни Урусияга бахшиш берганини сезмай қолди. Абдулаҳад ҳам уриспараст, эртага императорнинг марҳаматига ишониб, унинг химосясга қадимий Бухорони таслим этмасми? Фақирлар амир билан кўришув арафасида шундай

ўйлар тўлкинида бўлди, фикрларини бир ерга тўшлашга тиришарди.

У амир йўллаган хизматчилар билан Самарқанддан тўғри Шаҳрисабзга жўнади. Саид Абдулаҳад мени Бухорода қабул этишдан қочиниб, не учун ёғи богига тақдим қилди, деган ўй Исмоилбекнинг бошини ёрабди, у бу саволга жавоб қидирарди.

Амир мустиқил иш курсида, шаҳар оғаларидан чўчибди, руҳоний идораси подшоликни тутиб турган погонлардан бири эканини унутмайди. Қози ҳам бегона татарнинг иззати, деб ўрислардан танбоз эшитмакни истамайди. Авом халқни қадимий усул билан ўқитиш мусулмонга етарли, деб амирнинг қулоғига шилпийди.

Амир Урусия сафаридан қоникмади. Углининг тахисли ҳам мактанарли эмас экан. Олимхон ўқишдан кўра ҳар хил ўйларга берилган, ёнидаги шахсий тарбиячиларини тингламас, вақтида намоз ўқимас эмиш. Император ҳазратлари билан ўзаро суҳбат ҳам юрагини илтмади. Петербургда хизматчилар орасида мусулмонлар анча бўлса-да, ислом давлатларидан келган мухтамар арбобларнинг намоз ўқиши учун келишқил жоме йўқ. Қримли мунавварлар била кўришганда, боқулик милёнёр Тоғизода Петербургда буюк жоме қуриш учун пора бермоқчи бўлганини эшитиб қайфияти бузилди. «Ха, мен, Бухорони шарифнинг ҳукмдори ўрисларнинг марказида бир жоме қурмоққа қудратим етмасму», деб ҳубонланди.

Шунга кўра мартабали меҳмон билан кўришиш олдидан измидаги вилоятларнинг вазияти билан танишмоқ истади. Вилоят ҳокимларининг дин ва таҳсил хусусидаги фикрларини тинглади. Овсар ҳокимлар орасида янги мактаб очиб ниятидаги раҳбарлар билан Бухоро қозиси хатто «бизнинг усули ҳақидга мунсабатимизни ўрис биродарларимиз хушламаслар» деб, Туркистон генерал-губернаторининг одамлари бундан хабардор эканларини айтди. Амир богчасаройлик муаллим билан юзма-юз суҳбат қурмоқ ниятида, уни Тошкент сафаридан сўнг қабул этишини

ўринли деб топди.

Бу тақлифининг иккинчи бир-маъноси ҳам бор эди. Манғитлар сулоласининг хўнқандорлари Амир Темур туғилган маскани — Шаҳрисабзда ёғи бог қурдилар. Бу билан улар ўзларини буюк ҳукмдор ва соҳибқироннинг меросхўр ворислари эканликларини жумла жаҳонга билдирмоқчи истадилар. Бухорода ҳам бу бөгда бўлган эзогонлар кўп эмас. Айтишларига қўра, Туркистон генерал-губернатори ҳам Шаҳрисабзга тақлиф этилган эмиш.

Исмоилбек яшилликлар ичра бурканган зиялияти бинога боқиб, «Амир менга борлигини намойиш этмоқ истаиди» деган ўй билан мошиндан тушиши ҳамоно, унинг оёқлари остига қўй келтириб сўйдилар. Меҳмон бундан севкинчи, четга чекиди. Саид Абдулаҳаднинг таниш овози уни ўзига тортиди.

— Хўш келибсиз, Исмоил мирзо! Ташрифингиз бирла мени севинтирдирингиз.

Улар самийий қўл тутидилар. Амир меҳмонни ойна-нога боқиб, «Амир менга борлигини намойиш этмоқ истаиди» деган ўй билан мошиндан тушиши ҳамоно, унинг оёқлари остига қўй келтириб сўйдилар. Меҳмон бундан севкинчи, четга чекиди. Саид Абдулаҳаднинг таниш овози уни ўзига тортиди.

Улар самийий қўл тутидилар. Амир меҳмонни ойна-нога боқиб, «Амир менга борлигини намойиш этмоқ истаиди» деган ўй билан мошиндан тушиши ҳамоно, унинг оёқлари остига қўй келтириб сўйдилар. Меҳмон бундан севкинчи, четга чекиди. Саид Абдулаҳаднинг таниш овози уни ўзига тортиди.

Исмоилбек Шаҳрисабз сафаридан қоникмади, поезд билан Петербургда келди. Орадан кўп ўтмай Абдулаҳад билан ташвиш мактуб олди. Олжанооб бу инсон

накадар тиришмасин, мактабини ҳимоя қила олмаганини куйиниб билдирган эди. Султон Махиддин мактаби бор-йўғи қирқ кунгина яшаган. Туркистонда илк дафъа ташкил қилинган мактабнинг умри шундайин қисқа бўлди.

Исмоилбек сафарининг таъсирсиз келганига қаноатланди. «Таржимон» саҳифаларида унинг сафар таассуротларига бағишланган мақолалари пайдо бўлди. У ўрта асрларда улғу эзоларни етиштирган Туркистон каби буюк бир мўътабар заминнинг сўнгги вақтларда ортада ва жаҳолат ичида, хурфот исканжасида қўлиб инкирозга учрагани ҳақида, ундаги феодализм ва мустиқлақчилик зулми, бунга қарши ўлароқ Туркистонда уйғониш ҳаракати, янги маориф ва адабиёт учун кураш, хотин-қизлар хуқуқларини ҳимоя қилиш бошлангани тўғрисида «Бухоро ва Богчасарой», «Богчасаройдан Ташкентга» сарҳафали мақолалар ёзди. Саид Абдулаҳаднинг ўрис идорачилиги ила эски усул таҳсил тарафдорлари олдида бўйин эгиб, ўқув ислоҳотида жаўратчилик қилганидан ҳайратланди. Бу ҳайратини «Таржимон»-да қоқ этирган «Икки хон» хикоясида нозик бир ишора билан баён этдики, унинг маъзуни қуйидагичадир:

Бир замонлар икки хон яшаган экан. Уларнинг иккинчи ҳам яхши бирор иш қилмишга қарор қилибдилар. Биринчиси вазирларнинг тасвасиясини тинглаб, жоме қурдиришга рози бўлибди. Иккинчиси эса, вазирларнинг шунга ўхшаган тақлифларини рад этиб, ҳам бир масжид, ҳам бир мадраса қурдиришга фармон берибди. Орадан узоқ йиллар кечибди. Бир қанча сайёҳлар биринчи хоннинг қуртидан ўтар эканлар, халқ сўнгги пайтда париишон ва жаҳолат ичида қолганини кўришибди. Иккинчи хоннинг ўлкасида эса гоёт хурсанд, гоёт эмишлар. Кимдир илм ила, кимдир шөөр ва адабиёт ила машғул эмишлар. Бу ўша хоннинг ҳар соҳада юксалишининг илдизи билим ва ўқишда, деб билганлиги на-тижаси экан.

Саид Абдулаҳад богчасаройлик муаллимнинг зиёратдан мамзун бўлмаганини аниқлаган ва «Таржимон»-да жиддий қилиб мени ислом дунёсида масҳара этар, деб кутган эди. Исмоилбек ундай қилмади, аксинча, унинг фаолиятисизлигини гоёт бир нозик тарзда «Икки хон» хикоясига сингдириб юборди. Уша маданият ва мулоийм табиати бу одамнинг эътиборли «таъсири», хонга бир умр-дўла сабоқ бўлди.

Сафтер НАҒАЕВ

ASRASANG, ASRAGAY... advertisement listing various services and contact information.

Advertisement for 'Muzharrir: Ibrohim FAFUROV' with contact details.

Advertisement for 'Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган' with contact details.

Advertisement for 'Манзилмиз: Тошкент-83' with contact details.